

Сифатли таълим-таракқиётимиз гарови

Бахтияр Ишбаевич Қаюмов
Мавлуда Наврўзовна Қосимова
И.Каримов номидаги ТДТУ Олмалиқ филиали

Аннотация: Мақолада республикамиз узлуксиз таълим тизимида сифатли таълим масаласи илгари сурилган бўлиб, унда таълим сифати педагогларнинг касбий маҳорати, ўқув тафаккур фаолиятини профессионал жихатдан ташкил этиши ва таълим олувчиларнинг узлаштирилиши аниқ баҳолаш мезонларига амал қилинган ҳолда олиб борилиши, формал баҳолашдан чекланиш масаласи ёритилган. Сифатли таълим жамиятимиз таракқиётининг асосий омили эканлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим жараёни, таълим мазмуни, таълим шакли, дунёқараш, сифат ташхис, баҳо, эквалент, натижа, фаолият

The guarantee of our quality education and development

Bakhtiyar Ishbaevich Kayumov
Mavluda Navrozovna Qocimova
Almalyk branch TSTU named after I.Karimov

Abstract: In the article, the issue of quality education in the continuing education system of our republic is put forward, in which the quality of education is defined by the professional skills of pedagogues, the organization of educational thinking activities from a professional point of view, and the adjustment of students according to precise evaluation criteria, and the issue of limiting formal evaluation is highlighted. It is noted that quality education is the main factor in the development of our society.

Keywords: education, educational process, educational content, educational form, outlook, qualitative diagnosis, assessment, equivalent, result, activity

Республикамизда узлуксиз таълим шахсининг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт шароит яратилиб келинмоқда. Таълим соҳасидаги ислохатлар асосий мақсади шахс онги, тафаккури, замонавий дунёқарашини таркиб топтиришга, даврга ҳамнафас бўлган кадрларни шакллантиришдан иборатдир.

2023-йилни Президентимиз томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” деб эълон қилиниши ёш авлод таълим-тарбиясига ҳар биримиздан катта масъулият билан қарашга чақирмоқда.

Одатда, узлуксиз таълимдаги натижалар, яъни эгалланган билим, кўнима, малакаларимиз баҳо мезонлари асосида ифодаланади. Албатта, ўқув фаолиятимизда ижобий натижалар фаолиятимизга боғлиқ. Биз биламизки, фаолият пассив ёки фаол бўлади.

Маълумки, педагогик жараён самарадорлиги икки томонларнинг фаол муносабатига боғлиқдир.

Таълим жараёнида фаоллик таълим олувчига билимларни чуқур ва мустаҳкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик талабанинг интеллектуал ривожланишини таъминлайди.

1. Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳамма вақт эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги фаолиятининг ҳам турларини кенгайтиради.

2. Талабанинг фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир.

3. Таълим жараёнидаги муваффақиятларимиз таълим жараёнида ўзлаштирган билим, кўникма, маълакаларингизни ифодаловчи баҳо тимсолида ўз ифодасини топади. Одатда талабаларнинг аксарияти яхши баҳо олиш билан ўзини хотиржамлантиради ёки “қоникарли” баҳо олишини бир амаллаб ўтиб олиш деб ҳисоблайдилар.

Келинг, азиз педагоглар, бугун сиз баҳо ҳақида фикр юритамиз.

Аввало жорий, якуний -умуман таълим назорати нима деган саволдан бошласак. Таълим назорати сўзининг синоними таълим ташҳиси атамаси билан ҳам ифодаланади.

Ташҳис - бу таълим жараёнида кечадиган барча таълимий операцияларни ойдинлаштириш, унинг натижаларини белгилаш демак. Таълим ташҳисида оқибатлар, эришилган натижалар ва таълим олганлик ҳамда эгалланган маълумот фарқланади. Шунингдек, таълим олганликни ташҳислаш вақтида белгиланган мақсадни амалга оширишда эришилган даража сифатида ҳам қаралади. Дидактик ташҳиснинг мақсади ўқув жараёнини унинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Олимларнинг таъкидлашича, демократлашган таълим тизимида юзаки (формал) назорат бўлмаслиги лозим. Буни тажрибали педагоглар ҳам тасдиқлайдилар. Формал баҳолаш таълим жараёнида белгиланган мақсад, вазифалар, танланган таълим методлари, воситалари ва шаклларининг натижаларини йўққа чиқариш бўлиб, илмий педагогик фаолиятга ҳос бўлмаган нопедагогик касбий ёндашувдир. Тарихий тараққайёт босқичимизда 80 йилларда таълим тизимида сифат учун кураш кенг формал баҳолашга олиб

келганлигини, сифат кўрсаткичлар 87-92 фоизга кўтарилиб кетганлиги кўплаб педагогларимизга маълум. Натижада таълимий назорат ўз аҳамиятини йўқотиб қўйди ва узлуксиз таълим тизимида салбий кўрсаткичларга олиб келганди. Ёки бугунги кунга қадар айрим педагоглар томонидан нисбатан баҳо қўйиш педагогик жараёнда баҳонинг педагогик функциясини бузулишига ва салбий кўрсаткичларга олиб келаётганлиги сир эмас. Ваҳоланки ушбу фан мактабларда 9-10 йиллаб ўтилади. Бундай кўрсаткичларнинг асосини сифатсиз таълим ва таълим олувчининг келажакка бепорвалилигидан бошқа нарса эмас. Агарда иқтисодий жиҳатдан ҳар бир дарсга сарфланган ҳаражатларни молиявий томондан ҳисоблайдиган бўлсак, таълим берувчи қанча зарар келтирганлигини тасаввур этиб кўринг.

Барчамизга маълумки, билим аввал ўзлаштирилган билимлар асосида олий ўқув юртларида касбий билимлар ўзлаштирилади. Умумий ўрта таълим ёки ўрта махсус таълимда пухта ўзлаштирилмаган билимлар олий ўқув юрти таълим мазмунини “ҳазм” қилишида оқсақланиши аниқ. Бугунги кунда биринчи босқич талабалари аудториясида инглиз тили, рус тили ва аниқ фанлардан саёз ўзлаштирган талабаларимизни кўплаб учратмоқдамиз. Бу албатта сифатсиз таълим ва таълимга бўлган бепарволик иникосидир.

Дидактик назорат таълимнинг ўзига хос методи сифатида аниқ ифодаланган таълим берувчи, ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлиши ўз-ўзини назорат қилиш билан бирлашиши, энг аввало, таълим олувчининг ўзи учун зарур ва фойдали бўлиши лозим. Таълим тизимини инсонпарварлаштириш, демократлаштириш Президентимиз Ш.Мирзиёев 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” номини берилиши республикамиз узлуксиз таълими тизимида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни сифатли таълим асосид ҳар бир педагог ўз фаолиятида илмий педагогик жиҳатдан ёндашишни талаб этмоқда. Албатта бу шунчаки шиор эмас, балки давр талаби эканлиги ҳаммамизга маълум.

Маълумки, ҳар бир дарс мақсади таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлардан иборат бўлиб унга эришиш учун педагог маҳорати, ижодий ёндашиши билан узвий боғлиқ. Албатта педагогик жараённинг самарадорлиги ҳар иккала томонларнинг, яъни педагог ва талабаларнинг фаол мунособатларига боғлиқ бўлиб бунда талабалар эгаллаган билим, кўникма, малакалари, илмий, ахлоқий қарашлари билан баҳоланади. Педагогик жараёнда реал ижобий натижалар талабалар баҳосида ўз ифодасини топиши лозим.

Педагог томонидан тўғри текшириш ва баҳолаш, яъни ташҳислаш талабанинг ўз билимлари ва қобилиятларини ўзи мустақил аниқлашига ҳам ёрдам беради.

Энг асосийси, ўзлаштиришни ҳисобга олиш шахснинг ижобий фазилатларини шакллантириш, яхши ўқишга хоҳиш уйғотиш, ўқув ишларига виждонан ёндашиш, жавоб беришга тайёрланишда мустақил бўлиш ҳамда билиш фаолиятини чуқурлаштиришга йўналтирилмоғи лозим.

Агар назоратнинг ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари тўғри амалга оширилса, шахснинг тафаккурини ривожлантириш ҳамда ҳис-туйғулари ва ахлоқий сифатларини тарбиялашга имкон туғилади. Бу ўз-ўзидан назоратнинг ривожлантирувчи вазифаси саналади.

Маълумки педагогик жараёнда талаба олган баҳоси унинг юқорида айтиб ўтган билим, кўникма, малакаларига мос, яъни эквалент бўлиши лозим. Айнан эквалентлик таълимнинг сифат кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Демак, баҳо мезонларига қатъий амал қилиш, талаба ўзлаштиришида ҳолисона баҳолаш, яъни ҳеч қандай нисбатан баҳо қўйишга одатланмай баҳо мезонларига амал қилиш педагогик касбий компитентликнинг асосий талабларидан биридир.

Юқорида кайд этганимиздек, педагогик жараён икки томонлама жараён бўлиб, баҳо мезонларини фақат педагоггина билиб қолмай, балки талаба ҳам ўзлаштиришида баҳо мезонларини ва унинг талабларини яхши билишлари лозим, чунки талаба ўзлаштиришида ўз-ўзини назорат қилиш, эришилган муваффақиятлари ёки камчиликларини баҳо мезонлари орқали таҳлил қилиш малакалари бутун ўқув жараёнида шаклланиб боради. Талаба шахсининг ўз-ўзига танкидий ёндашиш хусусиятларини шакллантиришга педагогик муҳит яратилади, мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланишига замин яратилади, замонавий кадрларнинг салоҳияти ортиб боради.

Келинг, баҳо мезонларига эътибор берайлик:

1. «5» баҳо: а) талаба ўқув материални тўлиқ назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириб олган бўлса; б) ўрганилган мавзу бўйича асосий маълумотларнинг моҳиятини очиқ бера олса; в) эгалланган билимларни амалда қўллай олса; г) ўрганилган мавзунини баён қилишда, ўзма ишларда хатоларга қўл қўймасдан, маълумотларни тушунтириб бера олса ва мавзуга мустақил ижодий ёндаша олса ва ҳаёт билан боғлай олса қўйилади.

2. «4» баҳо: а) талаба ўрганилган мавзунинг назари ва амалий жиҳатдан моҳиятини билса; б) ўқитувчининг саволларига қийналмасдан жавоб бера олса; в) эгалланган билимларни амалиётда қўллай олса; г) оғзаки жавоб беришда жиддий хатоларга йўл қўймасда, мавзуга ижодий ёндаша олмаса ва педагогнинг қўшимча саволлари билан хатоларини тўғрилай олса ҳамда ёзма ишда унча жиддий бўлмаган хатога йўл қўйса;

3. «3» баҳо: а) талаба ўрганилган мавзунини ўзлаштирган, лекин мустақил тушунтириш беришда назарий ёки амалий жиҳатдан ҳатоликка йўл қўйса,

педагогинг аниқлаштирувчи саволларига эҳтиёж сезса; б) саволларнинг мантиқий тузилишини ўзгартириб берганда, жавоб беришга қийналса; в) ёзма ишда хатолари бор бўлса.

4. «2» баҳо: талаба ўрганилган мавзу ҳақида тушунчага эга, бироқ мавзунини назарий ва амалий жиҳатдан тўлиқ ўзлаштирмаган, ҳаёт билан боғлай олмайди, ижодий ёндаша олмаса ва ёзма ишда қўпол хатоларга йўл қўйса.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2023 -йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилиши умумавлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан бири сифатли таълим масаласи илгари сурилган. Янада ушбу йил номига эътиборимизни қаратсак, марказий масала инсон бўлиб унинг маънавий-ахлоқий олами, илмий дунёқараши, жамиятимиздаги фаол муносабати, касбий шаклланиши, мустақил тафаккурининг таркиб топиши, ҳаётдан ўз ўрнини топиши узлуксиз таълим тизимида сифатли таълим орқали эришишимиз таъкидланган. Бу масала умумжамиат масаласи сифатида таълим берувчи педагоглар ва таълим олувчи ўқувчи, талабалар, ота-оналар, ижтимоий институтлар олдига катта вазифаларни белгиламоқда.

Биноборин, ушбу йил номи инсон билими жамиятимизни тараққий эттирувчи ва ҳаракатга келтирувчи двигатель эканлигини таъкидлайди

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури.Т-2023й 28.02.

2. Н.Н.Азизходжаева. Педагогические технологии и педагогическое мастерство Т-2000

3. Н.Н.Азизходжаева. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.Т.2006

4. М.Очилов. Янги педагогик технологиялар Т- 2000

5. Б. Зиямухамедов, Ш. Абдуллаева. Илғор педагогик технологиялар. Т-2001

6. С.Зиямухамедова, Б.Зиямухамедов. Новые педагогические технологии.Т- 2002

7. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. Web of Scholars: Multidimensional Research Journal, 2(5), 1-4.

8. Исраилова, Х. М. (2023). Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилик соҳасининг ривожланиш суръатлари (Фарғона вилояти мисолида). Science and Education, 4(6), 894-900.

9. Эгамбердиев, Ф. Т., & Исраилова, Х. М. (2023). Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти. *Science and Education*, 4(5), 1510-1517.
10. Исраилова, Х. М. (2023). ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА): ECONOMIC CHANGES IN THE FIELD OF FRUIT AND VEGETABLES DURING THE PANDEMIC (EXAMPLE OF FERGANA REGION). *Молодой специалист*, 2(14), 34-38.
11. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. *Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 1-4.
12. Ergashxodjayeva, S. J., Qosimova, M. S., & Yusupov, M. A. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O 'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI.
13. Qizi, K. U. K., & Qosimova, M. (2022). FRAZEOLOGIK BIRLIKLARINING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 3(5), 33-37.
14. Qosimova, M. S., Hodiev, B. Y., Samadov, A. N., & Muhitdinova, U. S. (2003). *Kichik biznesni boshqarish. T.: 0 'qituvchi.*
15. Xodiyev, B. Y., Qosimova, M. S., & Samadov, A. N. (2010). *Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. T.: TDIU, 267.*
16. Каюмов, Б. И., & Маматкаримова, Б. Х. (2019). Новые методы и технологии преподавания иностранных языков в вузе. *European science*, (7 (49)), 48-50.
17. Каюмов, Б. И., & Қосимова, М. (2022). ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МАНТИҚИЙ ЎЗЛАШТИРИШДА БЛОК–МОДУЛ ДАРСИНИНГ РОЛИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(6), 139-145.
18. Каюмов, Б. И., & Закиров, Ш. М. (2021). ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, 4(1).
19. Абдулхакимова, Н. Т., & Каюмов, Б. И. (2020). ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, ПРИМЕНЕНИЕ ИХ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ. In *ОБРАЗОВАНИЕ 2020: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ* (pp. 71-73).
20. Мамадалиева, Н. А., & Давлаталиев, Х. Х. (2023). ИҚТИСОДИЁТДА ФОСФОРИТ ХОМ АШЁСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(11), 498-500.

21. Мамадалиева, Н. А., & Суяров, Х. У. (2023). Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли. *Science and Education*, 4(5), 789-795.
22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. *Горный журнал*, (9), 42-43.
23. Mamadalieva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 1(1), 1-4.
24. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, 30, 65-68.
25. Sarikulov, M. K., Uzohkov, I. E., Riskulov, K. A., & Israilova, K. M. (2022). SOME ASPECTS OF ECOLOGY AT THE PRESENT STAGE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).
26. Uzoqov, I. E., & qizi Ashurova, F. A. (2023). Kontrafakt va falsifikasiya qilingan oziq ovqat mahsulotlarini identifikatsiyalashdagi xorijiy davlatlar tajribalari. *Science and Education*, 4(9), 166-172.
27. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Rahmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market.
28. Сариккулов, М. Х., Узаков, И. Э., уғли Ирисов, И. Ш., & уғли Сулхонов, Д. А. (2023). Калорийность и химический состав куриного яйца. *Science and Education*, 4(6), 46-53.
29. Сариккулов, М. Х., Узаков, И. Э., Куйбаков, Б. Б., & Хунаров, А. М. (2023). Роль воспитания в формировании гармонично развитого поколения. *Science and Education*, 4(6), 554-560.
30. Karimqulov, Q. M., Abduraxmanova, A. J. R., & Uzaqov, I. E. (2023). Oziq-ovqat tovarlarni identifikatsiyalashda yuzaga kelayotgan muammolar. *Science and Education*, 4(6), 518-523.
31. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.